

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти

Кузатув кенгашининг

2024 йил “29” февралдаги

2/24 - сон йиғилиш баёнига

4 – илова

(Кузатув кенгашининг 2024 йил

“29” апрелдаги 6/24- сон, 2024 йил

“2” октябрдаги 9/24- сон, 2024 йил

“23” декабрдаги 11/24- сон, 2025 йил

“28” апрелдаги 3/25-сон ва 2025 йил

“27” августдаги 6/25-сон йигилиш

баёнлари билан ўзгартириши ва қўшимчалар

киритилган)

**“ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН КАПИТАЛГА УЛУШ
КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

“КИРИТИЛДИ”

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти

Ижроия органи

Тошкент 2024 – йил

МУНДАРИЖА

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. Очиқ танлов ўтказиш тартиби

3-боб. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этишнинг асосий шартлари ва унга кўйиладиган талаблар

4-боб. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасини расмийлаштириш тартиби

5-боб. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномаси иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

6-боб. Якуний қоидалар

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ–193-сон Фармони, 2025 йил 14 августдаги ПҚ–248-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, шунингдек кичик, ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектларининг асосий таъсисчилигида ташкил қилинган жамиятлар устав капиталига улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш жараёнини тартибга солади.

2. Мазкур низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

устав капиталга улуш киритиш – томонларнинг устав капиталга улуш киритиш шартномасига кўра кўчмас мулк обьектлари, асбоб-ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар (битим обьекти)ни сотиб олишни ва уни лойиҳа ташаббускорига тақдим этиш орқали унинг устав капиталига улущдор бўлиб киришни назарда тутадиган ёрдам тури;

битим обьекти – тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай, жумладан кўчмас мулк обьектлари, мулкий комплекслар, асбоб-ускуналар, хом-ашёлар ва бошқа кўринишдаги активлар (бошқа табиий обьектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар бундан мустасно);

битим субъекти – Компания, лойиҳа ташаббускори ҳамда мавжуд бўлган тақдирда сотувчи;

войиҳа ташаббускори – улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномаси бўйича битим обьектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олаётган шахс;

асосий таъсисчи – лойиҳа ташаббускорининг устав фондидағи улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган таъсисчи – кичик, ўрта ёки йирик тадбиркорлик субъекти;

сотувчи – битим обьектини Компанияга сотадиган шахс;

очиқ танлов – улуш киритиш ёрдамини тақдим этишда лойиҳани ёки лойиҳа ташаббускорини молиялаштириш шартларига мувофиқлиги бўйича танлаб (сараплаб) олиш жараёни;

Компаниянинг ваколатли органи – лойиҳаларни танлаб олиш ҳамда уларни молиялаштириш масаласида қарор қабул қилувчи Компаниянинг масъул коллегиал органи (тегишли буйруқ асосида тайинланади);

улуш киритиш ёрдами муддатининг бошланиши – улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасига мувофиқ лойиха ташаббускорининг битим объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш хуқуқини амалга оширишни бошлаган сана, яъни битим объектини дастлабки (бошланғич) тан олиш санаси;

улуш киритиш ёрдами тўловлари – битим объектининг умумий баҳосини лойиха ташаббускори томонидан қопланиши ҳамда Компаниянинг дивиденд кўринишидаги даромади йифиндиси;

3. Компания улуш киритиш ёрдами шартномаси муддати тугаганидан кейин киритилган улуш лойиха ташаббускори (молиявий шерик)га таклиф этилади, сотиб олишни рад этган тақдирда аукцион савдолари ва/ёки тўғридан тўғри бошқа салоҳиятли инвесторга сотилиши мумкин.

4. Улуш киритиш ёрдами молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларига тўловлилиқ, қайтаришлиқ ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлиқ тамойиллари асосида амалга оширилади.

5. Улуш киритиш ёрдами ўн икки ойдан ортиқ фаолият юритаётган ҳамда:

мурожаат санасида камидаги ўттиз беш нафар кишини иш билан таъминлаган ўрта тадбиркорлик субъектига мансуб корхоналарга;

мурожаат санасида камидаги ўн беш нафар кишини иш билан таъминлаган ва йиллик даромади 6 миллиард сўмдан юқори бўлган кичик тадбиркорлик субъектига мансуб корхоналарга тақдим этилади.

Шунингдек, фаолиятига ўн икки ой бўлган асосий таъсисчи устав капиталга улуш киритиш шартномаси бўйича қарздор ёки кафил сифатида қатнашган қуидаги ҳолларда ҳам лойиха ташаббускорига устав капиталга улуш киритиш молиявий ёрдами қуидагича тақдим қилиниши мумкин:

асосий таъсисчининг йиллик даромади 10 миллиард сўмдан юқори ҳамда мурожаат санасида камидаги ўттиз бешта иш ўрни мавжуд бўлган ҳолларда ўрта тадбиркорлик субъектига мансуб корхоналарга тақдим этиладиган шартлар доирасида;

асосий таъсисчининг йиллик даромади 6 миллиард сўмдан юқори ҳамда мурожаат санасида камидаги ўн бешта иш ўрни мавжуд бўлган ҳолларда кичик тадбиркорлик субъектига мансуб корхоналарга тақдим этиладиган шартлар доирасида.

2025 йил 1 сентябрдан бошлаб Компания томонидан Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатдан ўтиб, ушбу ҳудудда ўн икки ойдан ортиқ фаолият юритаётган ҳамда бир йил давомида камидаги 10 нафар кишини доимий иш билан

таъминлаган тадбиркорлик субъектларига ўтган йил якунлари бўйича жами даромадининг 50 фоизигача миқдорда устав капиталга улуш киритиш молиявий ёрдами тақдим этилади.

6. Лойиҳа ташаббускори Компанияга ариза билан мурожаат этиш даврида ёмон кредит тарихига эга бўлмаслиги, бюджет олдида муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлмаслиги, тугатиш жараёнида ва банкротлик иши қўзғатилмаган бўлиши ҳамда корхона зарар билан фаолият юритаётган бўлмаслиги лозим.

7. Улуш киритиш ёрдами лойиҳа ташаббускори томонидан бевосита қонунчиликда тақиқланмаган барча турдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тақдим этилади, 2-иловадаги лойиҳа йўналишлари бундан мустасно.

8. Компания олдида амалда тақдим этилган молиявий ёрдамлар бўйича муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган корхоналарга мазкур қарздорликлар тўлиқ сўндирилгунга қадар янги инвестиция киритилмайди.

9. Битим обьектини улуш киритиш ёрдами шартномасига асосан кейинчалик лойиҳа ташаббускорига топшириш учун сотиб олиш масаласи бўйича тегишли қарор қабул қилиш Компаниянинг ваколатли органи томонидан амалга оширилади.

10. Ушбу Низомда кўзда тутилмаган бошқа ҳолларда, қарор Кузатув кенгashi томонидан қабул қилинади.

11. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш ва ишларни мувофиқлаштириб бориш Лойиҳаларни бошқариш маркази (кейинги ўринларда - Марказ) томонидан амалга оширилади.

Устав капиталга улуш киритиш ёрдами бўйича фоиз ва комиссия ставкалари ҳамда ажратиладиган жами ресурс миқдори Компаниянинг Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси қарори билан белгилаб борилади.

2-боб. Очиқ танлов ўтказиш тартиби

12. Танловда лойиҳа ташаббускорлари лойиҳа анкетасини тизим ёки электрон почта орқали киритади. Компаниянинг ваколатли органи томонидан очиқ танлов ўтказиш Компания Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси қарори билан белгиланган параметрлар доирасида доимий тарзда амалга оширилиши мумкин.

13. Киритилган анкета маълумотлари Низомнинг 5, 6 ва 7-бандларида кўрсатилган меъзонлар бўйича скоринг таҳлилдан ўтказилади.

14. Скоринг текширувидан муваффақиятли ўтган анкеталар бўйича лойихалар Компаниянинг худудий вакили, у бўлмаган ҳолларда Марказ ходими томонидан жойига чиқиб дастлабки ўрганишдан ўтказилади. Бунда қуидагилар ўрганилади:

loyihaniнg белгиланган худудда амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги;

керакли инфратузилманинг мавжудлиги;

loyihani амалга ошириш учун Компаниянинг улушидан ташқари ўзининг улуши манбаалари мавжудлиги (шаклланганлиги);

loyihaniнg келажакдаги истиқболи ва бошқалар.

15. Ўрганиш натижаси бўйича худудий вакил, у бўлмаган ҳолларда Марказ ходими ҳар бир лойиха бўйича ўз хulosасини тақдим этади.

16. Улуш киритиш ёрдами кўрсатиладиган ташаббускор лойихани амалга ошириш жараёнида яратиладиган иш ўринлари сонидан келиб чиқиб камайиб бориш тартибida саралаб олинади ва ҳудудга ажратилган лимит доирасида тақдим этилади.

17. Компания очиқ танлов жараёнлари босқичларини ўзининг расмий сайти ва ижтимоий тармоқларида лойихалар кесимида маълумотларни маълум қилиб боради.

3-боб. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этишнинг асосий шартлари ва унга қўйиладиган талаблар

18. Улуш киритиш ёрдами бўйича кўриб чиқилиши қўзда тутиладиган битимининг максимал миқдори:

кичик тадбиркорлик субъектларига мансуб корхоналарга лойиха қийматининг 70 фоизи, бироқ устав капиталининг 50 фоизигача ёки 3 миллиард сўмдан;

ўрта тадбиркорлик субъектларига мансуб корхоналарга лойиха қийматининг 70 фоизи, бироқ устав капиталининг 50 фоизигача ёки 5 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, мурожаат санасида камида ўн беш нафар кишини иш билан таъминлаган ўрта тадбиркорлик субъектига мансуб корхоналарга ҳам кичик

тадбиркорлик субъектига мансуб корхоналарга тақдим этиладиган шартлар доирасида улуш киритиш ёрдами тақдим қилиниши мумкин.

19. Улуш киритиш ёрдами бўйича молиялаштириладиган маблағ суммаси сотиб олиниши кўзда тутилаётган обьектнинг бозор баҳоси (мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган) ва/ёки шартнома баҳосидан келиб чиқсан ҳолда Компаниянинг ваколатли органи томонидан белгиланади.

20. Ишлаб чиқарилганига 1 йилдан ортиқ ёки илгари фойдаланишда бўлган асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун улуш киритиш ёрдами тақдим этилмайди.

21. Бино-иншоотлар ҳамда илгари фойдаланишда бўлган ускуналарнинг (мулкий комплекс/тайёр бизнес) мустақил баҳолаш ҳисоботидаги қиймати, шу билан бирга янги асбоб-ускуналарнинг мустақил консалтинг ташкилотлари хulosаси асосида тасдиқланган шартнома қиймати келажақда Компания томонидан битимларни тузиш ҳамда тўловни амалга ошириш учун асос бўлади. Нархнинг ҳаққонийлиги бўйича жавобгарлик лойиҳа ташаббускори, мустақил баҳолаш ташкилоти ҳамда консалтинг фирмаси зиммасида қолади.

22. Улуш киритиш ёрдами обьекти бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун лойиҳа доирасида фойдаланиладиган ҳар қандай активлар, шу жумладан мулкий комплекслар, бино-иншоотлар, ускуналар, бошқа кўчар ва кўчмас мулк ҳамда хомашёлар иштирок этиши мумкин.

23. Улуш киритиш ёрдами обьекти сифатида қуйидагилар қабул қилинмайди:

ишлаб чиқариш муддати 1 йилдан ошган кўчар мулклар;

корхона ҳудуди ичида жойлашган ва қурилишнинг бевосита қизигига чиқиш имкони бўлмаган бино-иншоотлар ва ерлар;

умумий ер майдонида жойлашган ва турли мулкдорларга тегишли бўлган иморатлар ва ерлар;

мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан эскириш даражаси 60 фоиздан кўпроғини ташкил этилганлиги белгиланган асбоб-ускуналар;

мажмуанинг умумий технологик занжиридан мустиқил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган алоҳида ускуналар;

бошқа бинолар билан умумий конструкциявий унсурларга эга иншоотлар ва ерлар (масалан: асосий бино билан умумий деворга эга иморат);

ўзининг тарихий, маданий ёки бошқа қиймати туфайли, ёхуд бошқа сабабларга кўра гаровга қўйилиши, давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши ва қайтариб олиниши мумкин бўлмаган мулк;

қонунчилликка биноан ундирилиши таъқиқланган фуқаролар мулкининг алохидатури.

24. Битимнинг максимал муддати: 7 йил.

Улуш киритиш ёрдами бўйича молиялаштирилган маблағ(киритилган улуш) Компания томонидан бир вақтнинг ўзида шу қийматда 7 йил муддатгача бўлиб тўлаш шарти билан лойиха ташаббускорига сотилади.

Лойиха ташаббускори томонидан тўловлар тўлиқ амалга оширилгунга қадар Компаниянинг дастлаб киритган улуш доирасида иштирокчилиги(таъсисчилиги) ва дивиденд олиш хукуки сақланади.

25. Улуш киритиш ёрдами муддатини ўрнатилган чекловлар доирасида аниқлаш турли хил принциплардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади, жумладан:

битим объектининг фойдаланиш муддатидан;

loyihxanining ustuvorlik ehtimolidan (xukumat qaror va baennomalariiga asosida);

loyihxa tashabbuskorinинг тўловга қобилиятидан;

бошқалар.

26. Улуш киритиш даврида корхонанинг ишлаб чиқариш/хизмат кўрсатиш рентабеллиги кўрсаткичи 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Мазкур кўрсаткич қуидагилар билан тавсифланади:

$$ИЧР = \frac{СФ}{СМИЧТ} \times 100\%$$

ИЧР — ишлаб чиқариши (маҳсулотлар сотиши) бўйича рентабеллик;

СФ — соф фойда;

СМИЧТ — сотилган маҳсулот (иши, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариши таннархи.

4-боб. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасини расмийлаштириш тартиби

27. Тўлов қобилияти ва лойиханинг самарадорлиги бўйича хulosса тайёрланиши учун лойиханинг тавсифидан келиб чиқсан ҳолда зарур хужжатлар тақдим этилиши шарт. Шунингдек, Компания кўриб чиқилаётган лойихага тааллуқли қўшимча маълумотларни талаб этишга ҳақли.

28. Шу билан бирга, Компания “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ва бошқа ваколатли ташкилотлар хulosаларини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

29. Лойиҳа ташаббускори томонидан тегишли ҳужжатлар түплами түлиқ тақдим қилинмаган тақдирда, Компания ҳужжатлар түлиқ йиғилмагунга қадар қабул қиласлик ва қайтариш ҳуқуқига эга.

30. Лойиҳа бўйича барча ҳужжатлар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан Компанияга ёки Компаниянинг худуддаги вакилига молиявий аҳволини ва таклиф қилинаётган лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш учун тақдим қилинади.

31. Тақдим қилинган ҳужжатлар таҳлили натижаси бўйича Марказ томонидан тегишли хулоса расмийлаштирилади ва Компаниянинг ваколатли органи муҳокамасига киритилади.

32. Компаниянинг ваколатли органи томонидан маъқулланган лойиҳалар қарор қабул қилиш учун Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши кун тартибига киритилади.

33. Кенгаш томонидан ижобий қарор қабул қилинганда, Компания томонидан лойиҳа ташаббускорини, улуш киритиш ёрдами бўйича битим муносабатларини амалга ошириш ва улуш киритиш ёрдами шартномасини расмийлаштириш юзасидан хабардор қиласди.

34. Ижроия органи томонидан белгиланган миқдорда ҳужжатларни кўриб чиқсанлик учун тарифга биноан бир марталик воситачилик ҳақи ундирилиши мумкин.

35. Битим обьектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳукуқи лойиҳа ташаббускорига ўтганидан сўнг улуш киритиш ёрдами битими амалга оширилган ҳисобланади.

Устав қапиталга улуш Компания пул маблағлари ҳисобидан шакллантирилган ҳолларда, пул маблағлари ўтказиб берилган санадан улуш киритиш ёрдами битими амалга оширилган ҳисобланади.

36. Таъсис ҳужжатларини имзолаш компаниянинг худудий вакили, у бўлмаган ҳолларда Марказ ходими ёки бошқа ваколатли шахс томонидан амалга оширилади.

37. Улуш киритиш ёрдами муддати лойиха ташаббускори томонидан битим объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланган пайтдан бошланади.

38. Битим объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси битими иштирокчилари: Компания, лойиха ташаббускори ва мавжуд бўлган ҳолларда сотувчи томонидан имзоланади.

39. Компания ҳар бир улуш киритиш ёрдами бўйича унинг тавсифидан келиб чиқкан ҳолда хужжатлар йигмажилдини шакллантиради. Хужжатларнинг тўлиқлиги бўйича жавобгарлик Компаниянинг ҳудудий вакилига юклатилади.

40. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасига мувофиқ лойиха ташаббускорига улуш киритиш ёрдамининг бутун даврига битим объектига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки берилади.

41. Битим объектини етказиш, ўрнатиш ва фойдаланишга тайёр қилиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар келишувга биноан сотувчи ёки лойиха ташаббускори томонидан қопланади.

42. Агар лойиха ташаббускори асбоб-ускуналарни белгиланган манзилга етказилган кундан бошлаб 10 (үн) иш куни ичida Компанияга битим объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тақдим қилмаса ёки нуқсонлар мавжудлиги тўғрисида хабардор қилмаса, битим обьекти қабул қилинган деб ҳисобланади.

43. Лойиха ташаббускори, сотувчи томонидан улуш киритиш ёрдами асосида сотиб олинган обьектга берилган техник кафолатдан фойдаланади.

44. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасида битим объектини ўз вақтида етказиб берилиши, бутлиги ва унинг нуқсонлари бўйича ҳамда уни ўрнатишга доир мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича сотувчидан талаб қилиш ҳуқукини лойиха ташаббускори ўз зиммасига олиши белгиланиши лозим.

45. Битим обьекти келажакда йўқотишларга қарши лойиха ташаббускори томонидан суғурта қилиши лозим.

46. Лойиха ташаббускори улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномаси муддати тугашидан олдин исталган вақтда тўловларни муддатидан аввал тўлиқ амалга оширган ҳолда Компания улушкини тўлиқ сотиб олиши мумкин. Тўловлар тўлиқ амалга оширилган кундан бошлаб шартномаси шартлари тўла бажарилган ҳисобланади.

Муддати тугашидан олдин сотиб олиш ёки шартномани бекор қилиш натижасида киритилган улуш доирасида дивиденд ҳисоблаш имкони бўлмаган

холларда, томонлар келишувига кўра киритилган улушдан фойдаланилган давр учун Марказий банкнинг асосий ставкасида фоиз тўланиши мумкин.

5-боб. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

47. Агар улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Компания лойиҳа ташаббускори олдида сотувчининг битим объектини олди-сотди шартномасида белгиланган талабларни бажариши ҳамда кўрсатилган нархнинг рақобатбардошлиги (хаққонийлиги) юзасидан жавобгар бўлмайди.

48. Компания, киритилган улушни келажакдаги қайтарилмаслик хатарини олдини олиш мақсадида қайтарилмаслик хатаридан сугурта қилиши мумкин. Бунда сугурта харажатлари Компания томонидан амалга оширилади, кейинчалик лойиҳа ташаббускори томонидан қоплаб берилиши назарда тутилади.

49. Компания қуйидаги ҳолларда улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга. Агар лойиҳа ташаббускори:

битим объектидан улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасига мувофиқ фойдаланмаса ёки бир неча маротаба фойдаланиш шартлари бузилса;

битим объектининг ҳолатини жиддий равища ёмонлаштиrsa;

икки маротаба кетма-кет битим объектидан фойдаланганлик учун тўловларни улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасида белгиланган муддатлар ўтганидан кейин тўлиқ амалга оширmasa;

улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасида белгиланган муддатларда битим объектини капитал таъмирламасa;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

50. Лойиҳа молиялаштирилгандан (улуш киритиш ишлари якунига етганидан) сўнг лойиҳа бўйича ҳужжатлар рўйхати тайёрланади ва келажакда тегишли ва мониторинг ишларини амалга ошириш мақсадида Компанияning мониторинг бўйича масъул таркибий тузилмасига тақдим этилади.

51. Тўлов графиги бўйича муддати ўтган қарздорлик 90 кун давомида қайтарилмаган тақдирда, ушбу қарздорлик (NPL) сўндирилгунга қадар мазкур лойиҳа тегишли ишларни амалга ошириш учун муаммоли активлар билан ишлаш бўйича масъул таркибий тузилмага ўтади.

6-боб. Якуний қоидалар

52. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномаси муддати тугаганида, түловлар түлиқ амалга оширилгандан сўнг, Компаниянинг капиталдаги улуши лойиха ташаббускори ёки бошқа салоҳиятли инвесторга ўтади.

53. Улуш киритиш ёрдамини тақдим этиш шартномасини тузиш ва у бўйича мажбуриятларни бажариш бўйича барча келишмовчиликлар, томонларнинг келишувига мувофиқ ҳал қилинади. Икки томонлама келишувга эришилмаган ҳолларда, келишмовчиликлар суд томонидан ўрнатилган тартибда қонунчиликка мувофиқ ҳал қилинади.

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан капиталга улуш
киритиш тартиби түгристидаги низомга
1-илова

УЛУШ КИРИТИШ ЁРДАМИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ СХЕМАСИ

Босқичлар	Амалга ошириладиган ишлар	Масъуллар
1-босқич	Тасдиқлаб берилған йұналишлар доирасыда танлов үтказиш. Бунда, танлов үтказиш шартлари Компаниянинг расмий веб сайтида күрсатиласы да ижтимоий тармоқлар орқали маълум қилинади.	Кузатув Кенгашы, Марказ, Жамоатчилик билан ишлаш таркибий тузилмаси
2-босқич	“Тадбиркор” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ахборот тизим) ёки электрон почта орқали хужжатларни тақдим этиш.	Лойиха ташаббускорлари
3-босқич	Скорингдан үтган анкета маълумотлари дастлабки ўрганишдан үтказиласы да ҳамда дастлабки ўрганиш натижалари бўйича саралаб олинган лойиҳалар бўйича ташаббускор томонидан тегишли хужжатлар Ахборот тизимига киритилиши назорат қилинади.	Худудий вакил
4-босқич	Лойиҳа ташаббускори томонидан Ахборот тизимида киритилган хужжатларни тўлиқлиги кўриб чиқилган ҳолда хулоса билан биргалиқда маълумотлар Ахборот тизим орқали Компанияга юборилади.	Худудий вакил
5-босқич	Келиб тушган лойиҳалар дастлабки хужжатлар асосида очиқ танлов орқали танлаб олинади.	Компаниянинг ваколатли (коллегиал) органи
6-босқич	Танлаб олинган лойиҳалар бўйича музокаралар үтказиласы да ҳамда лойиҳа хужжатлари қабул қилиб олинади.	Лойиҳа ташаббускори, Марказ
7-босқич		Марказ

Боскىчлар	Амалга ошириладиган ишлар	Масъуллар
	Лойиха хужжатлари асосида ташаббускорнинг тўловга лаёқатлилиги ҳамда лойиҳанинг самарадорлиги бўйича мувофиқ хулоса тайёрланади.	
8-bosqich	Зарур бўлган кўчмас мулк ҳамда асбоб-ускуналарни сотиб олишни молиялаштириш учун қарор қабул қилинади. Танловда танлаб олинган лойиҳаларни расмий веб сайт ва ижтимоий тармоқларда маълум қилинади.	Компаниянинг ваколатли (коллегиал) органи, Кузатув Кенгаши, Жамоатчилик билан ишлаш таркибий тузилмаси
9-bosqich	Лойиха хужжатларини кўриб чиққанлик учун тарифга биноан тўлов амалга оширилади.	Лойиҳа ташаббускори
10-bosqich	Маъқулланган лойиҳалар бўйича зарур бўлган кўчмас мулк ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш юзасидан битим ва бошқа хужжатлар имзоланади.	Раҳбарият, Юридик бўлим, Марказ
11-bosqich	Тузилган битимга асосана аукцион ёки тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали кўчмас мулк, ер участкаси ва/ёки ускуна ва бошқа активлар сотиб олинади. Бунда, сотиб олинаётган обьект кўчмас мулк бўлса, у ҳолда мустақил баҳоловчи ҳисоботи, агар ускуна бўлса аккредитациядан ўтган экспертиза ташкилотининг нарх бўйича экспертиза хулосаси талаб этилади.	Компаниянинг тегишли таркибий тузилмалари
12-bosqich	Битим обьектини сугурталаш тўғрисидаги шартномани имзолаш ва сугурта тўловларини амалга ошириш.	Компания, loyiҳa ташабbускори, сугурта ташкилоти
13-bosqich	Битим обьектини фойдаланишга қабул қилиш.	Лойиҳа ташабbускори

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси”
акциядорлик жамияти томонидан капиталга улуш
киритиш тартиби түгристидаги низомга
2-илова

КОМПАНИЯ ТОМОНИДАН УЛУШ КИРИТИШ ЁРДАМИ ТАҚДИМ ЭТИЛМАЙДИГАН ЛОЙИХА ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Қиморхона ва биллиардхоналар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш;
2. Илгари олинган кредит (лизинг)ларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;
3. Лизинг ва суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этиш;
4. Савдо, умумий овқатланиш ҳамда алоҳида ташкил этиладиган автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчалари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш (бундан савдо ва сервис, йўл бўйи инфратузилма объектлари, жумладан комплекс таркибида автомобилларга ёнилғи қуиши ҳамда савдо шохобчалари фаолиятини ташкил этиш, “яшил” технологияларни, жумладан электрмобилларни қувватлантириш фаолиятини ташкил этиш мустасно);
5. Енгил ва илгари фойдаланишда бўлган юк автотранспорт воситалари сотиб олиш (чет элдан олиб келинадиган юк автотранспорт воситалари бундан мустасно);
6. Қишлоқ хўжалиги йўналишида амалга ошириладиган лойиҳалар (бундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш лойиҳалари мустасно).